

Ўзбекистон — Исроил



## МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи бағоят муваффақиятли бўлди. Имзоланган битимлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшади. Куйидаги дил сўзлари шу хусусда.

**Адҳам ЭРМАТОВ, механизатор.**

Исроил давлатининг иқтисодий тараққиёти, юксак технологияси, чиндан ҳам алоҳида эътироф қилиб келинмоқда. Матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар кўп. Масалан, табиий бойликларимиздан унумли фойдаланиш учун бизга замонавий технология бағоят зарур. Қолаверса, Исроилнинг ажойиб минитехнологиясига ҳам эҳтиёжimiz кучли. Буларнинг ҳаммаси икки давлат ўрта-

сидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйиш учун асос бўла олади.

Далаларда завку шавқ билан оқ олтин йиғиштирилган деҳқонларимиз Президентимизнинг Исроилга расмий ташрифи муваффақиятли яқунланганлигидан бағоят қувондилар. Ватан равнақи йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Биз эса ўз бурчимизга содиқ қолиб кун сайин унумли, баъракали ишлаяпмиз. Узим қудратли «Кейс»ни бошқариб хирмонга барака киритаяпман. Нишон туманидаги «Туркманистон» жамоа ҳўжалигида йиғимтерим қизгин бормоқда. Қатор ижарачилар режани муваффақиятли адо этдилар.

**Ўринбой Тўрақулов, «Янгийўл» жамоа ҳўжалиги раҳбари**

Исроилда деҳқончилик қилинадиган ерлар ўта ноқулай. Шунга қарамай тармоқда йил сайин улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Қаранг, таррақий этган мамлакатларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олти-етти фоиз киши банд бўлса, Исроилда эса бу кўрсаткич бор йўғи уч фоизни ташкил этади. Бунинг бош омили - замонавий технологиядир.

Исроилнинг «Зераим Гедера» қишлоқ ҳўжалик комплекси фирмаси бизга яхши таниш. Унинг бугўди уруғи ҳамда пахта навларининг айрим-

лари Ўзбекистон шароитда синовдан ўтган.

«Янгийўл» ҳўжалиги жамоаси сабзавот, мева, боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Сўнги йилларда пахтачиликка ҳам асос солинди. Юқори сифатли ва арзон хом ашё етиштиришда Исроил деҳқончилик тажрибаси бизга ас қотмоқда. Яхши тушунамиз, мустақил Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришишнинг энг муҳим шартларидан бири давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаб, Халқаро доирада муносиб ўринга эга бўлишдир. Президентимизнинг Исроилга ташрифи шу маънода бебаҳо аҳамият касб этди.

«Президент кубоги»

## МАҲОРАТ КЎРИГИ

Айни кунларда жаҳон теннис муҳлисларининг нигоҳи пойтахтимиз Тошкентга қаратилган. «Президент кубоги» тарихида биринчи мартаба космонавтлар турнири ўтказилди.

Мусобақанинг учинчи кун муҳлислар 9 учрашувни кўриш бахтига мяссад бўлишди. Седрик Пьолин ва Лауренс Телеманлар баҳси турнирнинг хозирча энг чиройли ўйинларидан бири бўлиб турибди. Лауренс Телеман хозирда профессионал теннисчилар таснифда 118 ўринда раётган бўлишига қарамай, ўзидан роппа-росса 100 поғонада турган теннисчини анча қийин аҳволга солиб қўйди. Биринчи сет унинг 6:4 ҳисобида галаба қозониши эса бироз шовшувга ҳам сабаб бўлди. Аммо иккинчи сет биринчидан фарқи ўлароқ Седрик Пьолин устунигида бошланди. Бироқ Телеман ҳам аниқлардан эмасди. Натигада иккинчи сет тай-бреккача борди ва француз теннисчиси жуда қийинчилик билан галабага эришди.

Россиялик Марат Сафин иккинчи босқичда голланд теннисчиси Рожер Вассен билан учрашди. 1998 йилнинг улкан кашфиётларидан бири деб эътироф этилган Марат ўз рақибини ҳеч қандай қийинчиликсиз 6:3, 6:2 ҳисобида енгди.

Турнирнинг биринчи, жаҳоннинг эса 10-ракетка устаси бўлиш Евгений Кафельников ҳам финал сари дадил одимламоқда. У ниҳорак Фанинда африкалик Девид Нанкинни 6:3, 6:0 ҳисобларида енгди.

Швейцариялик Марк Россе иккинчи босқичда кутилмаганда теннис оламида хали танилиб улгурмаган Карстен Брашга ютказиб қўйди. Америка оқиқ чемпионатидаги муваффақиятсизликларидан сўнг халигача ўзига келиб улгурмаган Россе майдондан бош эгиб чиқиб кетди.

Жуфтликлар баҳсида ҳам кутилмаган натижалар қайд этилмоқда. Жумладан Куценко Валгресен жуфтлигининг турнирдаги энг кучли жуфтликларидан бўлиши маълум бўлди. Эллис жуфтлигини мағлубиятга учратгани ҳам қутилмаган воқеа бўлди. Яқка баҳсларида барча спортчиларимиз биринчи босқичдаёқ курашлардан чиқиб кетишганидан хабарингиз бор. Энди умидимиз жуфтликлардан. Зеро, Куценко-Валгресен ҳамкорлиги ярим финалда ҳам кечагидек ўйин намойиш этса, Карлсен-Шалкин жуфтлиги ҳам уларни финалдан тўхта-тиб қолишига охирикча қилади.

Икки италиялик теннисчи Пескосолито-Телеман жуфтлиги чорак финалда Хенмай Ричардсон жуфтлигидан 6:1 ва 6:4 ҳисобларида ишонарча галабага эришиб ярим финал йўллангани қўлга киритишди. Ушбу галабадан сўнг, кўпчилик айнан мана шу жуфтлик «Президент кубоги» Халқаро турнирининг жуфтликлар баҳсида голиб чиқса керак, деган фикрдадир.

Жуфтликлар баҳсида мағлубиятга учраган бўлишига қарамай, ўтган йилги турнир голиби Тим Хенман яқка баҳсларида финал сари дадил одимламоқда.

**Евгений Кафельников (Россия) турнирнинг биринчи ракеткачиси:**

«Ўтган йилги турнирдан бу йилги турнир кўп жиҳатлари билан фарқлиб турибди. Жумладан мусобақаларда катнашаётган теннисчилари билан ҳам, ташкилотчилик ишларининг юксак савияда эканлиги билан ҳам. Бу йилги рақибларим анча кучли, аммо мен галаба қозонишимга шубҳа қилмапман.

**Марк Россе (Швейцария), Олимпиада чемпиони:**

«Тошкент турнири ўтган йили ҳам жуда юқори савияда ўтказилган эди. Шу боис бу йил яна Тошкентга келишга қарор қилганим. 5-турнир ўтган йилдагиданда аъло даражада ташкиллаштирилган. Худо хоҳласа келгуси йили Тошкентга келиб галаба билан қайтмоқчиман.

**Марат Сафин (Россия), 1998 йил кашфиёти:**

«Тошкентта мен бундан 8 йил илгари келганим. Ушунда ўсмирлар ўртасида ўтказилган турнир мен учун омадсиз яқунланганди. Очиғи, шаҳрининг кўриб танилмай қолдим. Чирой очиб бораётган шаҳрининг менда илиқ таассуротлар қолдириди. Турнирга келсак, тўғриси жуда юқори савияда ташкиллаштирилган. «Президент кубоги» турнири меннинг ПТА таснифидagi мавқеим мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.

**Дониёр ЮСУПОВ, шарҳловчи.**

Суратларда: Марк РОССЕ (юқорида), Марат САФИН. ЎЗА суратлари.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

«Узавтойўл» концерни бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсатининг қарорига биноан тармоқ ишчи-хизматчиларининг оилалари фаровонлигини оширишга қаратилган мамлакатимиз президенти фармонларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурга кўра ҳар бир йўл ҳўжаликларидида ва ташкилотларида махсус ҳайъат тузилиб, улар қамтаъминланган, кўп болали оилаларни аниқламоқдалар. Елғиз яшовчи пенсионерларга, ишлаб чиқаришда жароҳатланган ишчиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шунингдек, дастурдан тармоқ меҳнаткашлари иш ҳақини республикамиз президенти фармонлари асосида ошириб бериш, маошга қўшимча тўланадиган тўловлар миқдорини имконият даражасида ошириш, тармоқ меҳнаткашлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг тўй ва маъракасини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор тадбирлар ҳам ўрин олган.

ҚўЛЛАНМАЛАР БЕЛУП ТАРКАТИЛДИ

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг қамтаъминланган оилалар фарзандларини белуладаслик ҳамда ўқув қўлланмалари билан таъминлашда ҳомийлик ёрдамини қучайтиришга даъват этилган қарорини баҳарида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси яхши натижаларга эришди. Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмаси тармоқ қўмиталари шу мақсад учун китоб савдоси идораларига 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

Ушбу муҳим тадбирни намунали ўтказишда Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятларининг тармоқ қўмиталари яхши натижа кўрсатишди. Бухоро вилоят касаба уюшмаси тармоқ қўмитаси қамтаъминланган оилаларнинг фарзандларига 1443 та, Қашқадарёда 1421 та ва Тошкент вилоятида 850 та жамланма ўқув қўлланмалари олиб берилди.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Маъмурий ҳамда касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазат этиш борасида изланиб ташаббус кўрсатса, яхши натижаларга эришиш таяин, албатта. Эллиққалъа районидида «Олтин толаси» хиссадорлик жамиятида шундай йўлдан борилаётганлиги сабабли ҳам бу борда яхшигина кўрсаткичларга эришилмоқда. Йил бошидан бўён қорхонадаги қамтаъминланган оилаларга 100 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шу билан бирга ишчи-хизматчиларга 660 кг гўшт, 10 тоннадан зиёд сабзавот-поллиз маҳсулотлари 50 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилди. Автокорхонадаги 27 та қам даромадли оилаларга касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 1,5 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Н.РАФИҚОВ.

Халқаро симфоник мусиқа фестивали олдидан

## Композиторлик ижодиётига бағишланади

Мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган халқаро симфоник мусиқа фестивали замонавий ўзбек композиторлик ижодиётининг ютуқларини кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади. Фестивал доирасида «Миллий анъаналар ва хозирги замон композиторлик ижодиёти» мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилади.

Бу ижодий мулоқот чоғида миллий анъаналар ва жаҳон композиторлик ижодиётининг ўзаро муштараклиги ва уни янада ривожлантириш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилади. Унда Марказий Осиё мам-



лакатларидан ташқари, Франция, Япония, Германия, АҚШ, Хитой, Туркия каби композиторлик ижодиёти кенг таррақий этган мамлакатларнинг бастакорлари, мусикашунослари, дирижёрлари, хонанда-иж-

рачилари қатнашади. Давра иштирокчилари ҳозир жаҳон композиторлик ижодиётида кечаётган жараёнлар, янги йўналишлар, ҳаракатлар, топилмаган бўйича маълумотлар билан танишади.

Бир сўз билан айтганда, Халқаро симфоник мусиқа фестивали замонавий композиторлик ҳамда ижро мактабларини муштарак ривожлантириш, ёш авлод қалбидида миллий ва умуминсоний кадриятларга, хусусан, мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат туйғуларини янада камол топтиришга хизмат қилади.

**Б.МАНСУРОВ, ЎЗА муҳбири.**

Қорақалпоғистон Республикасида бемалол юқори ҳосил олиш мумкин бўлган ерлар оз эмас. Масалан, Тўртқўл туманидаги Қирққумга туташиб кетган шимол-шарқий қисмидаги Жанбасқалъа мавзеси шулар жумласидан. Ҳўш, ана шу бебаҳо бойликдан қандай фойдаланилмоқда? Мавзедаги деҳқонларнинг аҳволи, уларнинг турмуш тарзи қандай?

Шу саволларга жавоб топиш мақсадида «Пахтабод» деҳқон фермерлар уюшмасида бўлди. Ҳўжалик аъзолари бу йил 1300 гектар ерда неъмат етиштиришмоқда. Минг гектар майдон эса пахтачиликка ажратилган. Таъкидлашларича ўн беш нафар фермер, 160 падратчи фаолият юритаётди. Ташвишли томони шундаки, энг маъсулиятли палла - пахта йиғимтеримига иштиёқ билан киришилмаган. Кишилар танг аҳволдан чиқинининг муҳим омилларидан бири давлатга оқ олтин топшириш режасини муваффақиятли бажариш экан-


лигини қалбдан ҳис этмаётирлар. Ўзибўларчилик давом этаётди. Ҳар кунги теримда ўрта ҳисобда 140 киши қатнашиб, жуда оз миқдорда пахта тераплати. Суръатнинг сустлиги мутасаддиларни ташвишлантирмаётир. Дала ишлари республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ташкил этилган. Унга кўра ҳар беш кунда қўлда терилган пахтанинг асосида ташкил этилган. Унга кўра ҳар беш кунда қўлда терилган пахтанинг асосида ташкил этилган. Унга кўра ҳар беш кунда қўлда терилган пахтанинг асосида ташкил этилган.

Мақсадга эришишнинг яна бир муҳим омилларидан бири теримчилар, механизаторларга қўлай иш шароитлари яратишдир. Ҳўжалик раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси бу

на эшигига ҳам қўлф тушганига анча бўлди. Клуб эса орзулигача қоляпти. Бунинг сабаблари билан танишиш мақсадида касаба уюшма қўмитаси раиси, ҳисоб-китоб мутасаддилари билан суҳбатлашишни ихтиёрий этдик. Батор қарзлар 60 миллион, дебитор қарзлар 7 миллион 720 миң сўмини ташкил этади. Шу боис муаммолар кўп, деҳқонларда иштиёқ сўнган... Бошқарув раиси Оллоёр Жуманиёвнинг фик-

«Пахта-98»

## ВОДИЙДА МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ



Суратларда: ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта ҳосили учун курашаётган бригада бошлиги Абдумутал Тошбоев. Бахтйёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тўрақургон тумани Наманган вилоятида пешқадамлардан саналади. Бу ерлик пахтакорлар мазкур йилда 6800 гектар ерга чигит экиб, режадаги 35 ўрнига 40 центнердан хирмон кўтаришини мўлжаллашмоқда. 1500 гектар майдондаги пахтани машиналарда териб олиш кузда тутилган. Техника ўз вақтида сифатли таъмирланиб, мавсумга шайлаб қўйилди. Тумандаги «Намуна» ширкат ҳўжалиги водийда биринчи бўлиб машинада пахта теримига киришди. Ҳўжалик пахтакорлари 789 гектар майдондаги ҳосилнинг 40 фоизини зангори кемалар ёрдамида териб олишни режалаштиришган.

Катта жамоадаги муҳит ҳам орзу қиладиган даражада эмас. Қаранг, касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Юсуф Удақлимов шу йил май ойидан бошқа ишга ўтказилди. Маъмурий бўлиб вазифага тавсия этган янги номзод йиғилишда тасдиқланмаган. Икки ўртада яна сансалорлик юзага келган. Раҳбару мутахассисларнинг ўзи қалаванинг учини йўқотиб қўйган кўриниши. Касаба уюшма фаолияти улда-жўлда. Пахтакорларга кўрсатиладиган маданий-маиший тадбирлар билан яқиндан танишишга қанчалик ҳаракат қилмайлик, бунинг илжожи бўлмади. Сабаби, «тизгин» ҳамон собиқ касаба уюшмаси қўмитаси раисиди экан.

«Ўтган йилдан бўён иш ҳақи олмадим, шунинг учун қалитни, мухрни, тегишли хўжатларни топширмаймман, деди у барчамизнинг лол қолдириб.

«Ерларнинг мелоратив ҳолати ўта ёмон, замин шўрланган. Деҳқончилик қилинган 1300 гектар ердаги экиннинг тенг ярмида илдиз чирит касаллиги пайдо бўлди. Сабаби коллектор ва дренаж тармоқлари ишдан чиққан. Ерларнинг мелоратив ҳолати ўта ёмон, замин шўрланган. Деҳқончилик қилинган 1300 гектар ердаги экиннинг тенг ярмида илдиз чирит касаллиги пайдо бўлди. Сабаби коллектор ва дренаж тармоқлари ишдан чиққан.

## Муҳбиримиз бонг уради

# БОКИМАНДАЛИК БАЛОСИ

хтга қарши бош иқтисодчиги тополмадик. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси эса яна баҳонани рўқач қилишга ўтди. Бу ерда янги одамман, деди у. - Ҳўжаликнинг молиявий аҳволи ҳавас қилгудек эмас. 1997 йил 1 июлгача иш ҳақидан жуда катта қарздормиз. Кредитри ҳам диққатимизни тортди: - Ерларнинг мелоратив ҳолати ўта ёмон, замин шўрланган. Деҳқончилик қилинган 1300 гектар ердаги экиннинг тенг ярмида илдиз чирит касаллиги пайдо бўлди. Сабаби коллектор ва дренаж тармоқлари ишдан чиққан.

Абду РАҲМОН, «Июн» муҳбири.

Замон талаби қатъий

Лавозим имтиёз эмас юксак маъсулиятдир. Юксак ишончга мушарраф бўлган киши бундан йиллар мобайнидаги ҳалол меҳнат билан оқлаши керак. Ҳаётда инсоннинг ширин суэю, эл манфаати йўлида амалга оширган, рўёбга чиқарган ишлари қолади. Туманимизда бутун ҳаётини эзгу ишларга бағишлаган, одамлар оғирини енгил, узогини яқин қилган табаррук инсонлар ўтишган. Айримларнинг номларини абадийлаштирдик. Боиси улар умр бўйи хайрли ишларнинг бошида бўлишган. Йул қуришган, кўприк солишган, ночорларнинг мушкулларини осон этишган. Бундай ажойиб инсонлар ҳаёти биз учун катта мактабдир. Биз ҳам одамларимиз яхши яшаши, унумли ишлаши учун шароит яратишга бор имконимиз билан ҳаракат қилаёмиз. Жумладан, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида хусусийлаштириш тадбирларини изчил амалга оширдик. Умуман бўлишдан чўчиб яшадик. Хусусий мулк ҳақида гапириш ҳаёлимизга ҳам келмасди. Мана энди қишлоқ кишиси ўз ерининг ҳақиқий хўжайини. Мустақиллик йиллардан буюн 600 гектардан зиёд тоқзор, 400 гектар боғ хусусийлаштирилиб асл миришкорлар ихтиёрига ўтказилди. Улар жонажон ерларида кутаринки руҳда ишлаб қаровисиз болгарни қайта яшатишди. Мўл неъмат этиштириб ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришарди.

Рағбатлантиришнинг сигналган усулларида кенг қўлланилди. Бутун диққат-эътибор мулк ўз эгасини топишига қаратилди. Айни пайтда ҳўжаликлар, корхоналар, муассасалар раҳбарларнинг масъулияти оширилди. Иқтисодий ислохотларни қандай амалга ошираётганликларини, меҳнат қийматига кўрсатаётган ҳамхўрликларини, пировард натижаларга қараб фаолиятларига баҳо берди.

Саъй ҳаракат зое кетмади. Иқтисодиётни юксалтириш

Иллар мобайнида хом-ашё этиштирувчилар деган номни олиб келдик. Заҳмат чекиб қўлга киритган ҳўселимизни сув текинга сотдик. Чўпуну деҳқоннинг бири икки бўлмади. Фақат истиқлол тўғрисида кўрагимизга шомол тегди. Эндиликда хориж билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиб, махсуслотимизни ўзимиз қайта ишлаш ҳаракатида бўлаёмиз. Жойлардаги касабга уюшмалари ҳодимлари инсон омилига эътиборни қўчайтириб тадбирларнинг изчил амалга ошишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Кейинги йилларда мрамар кесадиған тўртта кичик корхона ишга тушди. Уларда бир йилда 60 миллион сўмлик харидор-ғир маҳсулот ишлаб чиқарилапти. Мрамарлар санъат қўшоналари, маъмурий биноларни, гўзал Тошкентимиздек сезимли шаҳарларимизни кўркам қишлоқда. Яқинда туман ҳўдудига янги гранит қони очилди. Шу мўносабат билан йирик қўшма корхона бунёд этиш, унга йўлдош соҳаларни ривожлантириш юзасидан ҳам ҳаракатлар бошлаб юбордик. Италия технологияси асосларида ишлайдиган мазкур корхона йилга 6-7 миллион АҚШ долларлик маҳсулот келиш қувватига эга. Демак, туман иқтисодиётининг янада бир забардаст устуни қад ростлади. Зармитан олтин қони ҳам туманимиз ҳўдудига жойлашганига келажакдаги имкониятлар кескизлгидан далолатдир.

Ҳар бир инсон қачондир ўз фаолиятига ўзи ҳолисанилло баҳо беради. Шунда вужудга йира-са, бунёд этган ишлари кўз ўнгига гавдаланса у бахтлидир. Бунга эришишнинг бирдан бир йўли ҳалол меҳнатдир.

Мансур ҚўШБОЕВ, Қўшработ тумани ҳўқими.

эртанги кўнимизнинг қандай бўлиши ҳар бирларининг кундалик меҳнати самараларига боғлиқ эканлигини чўкур тушундилар. Кайфият аъло бўлса, юрт иши қалбинини чўлғаса улуг ишларга ўзингда қодирлик сезасан. Деҳқонлар ҳаётини кузатиб бунга кўп бор ишонч ҳосил қилдим. Масалан, кейинги бир йилда 11та қишлоқда ҳашар йўли билан даволаш муассасалари қурилди. Яхши эслаيمان. Собиқ шўро даврида тузукроқ касалхона қуриш учун қимларнингдир руҳсатини олиш учун идора-ма-идора сарсон бўларди. Мустақиллик шарофати тўғрисида етмиш йилда битмаган ишлар етти йилда рўёбга чиқди.

Хўрматли Президентимиз қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан тўла таъминлаш юзасидан бекиёс меҳрибонлик қўрсатаётганликларини ҳар бир деҳқон, фермер, тадбиркор юракдан хис қилиб турибди. Қўрсатилган катта ҳўсид тўғрисида кўп қачирим масофага юқори босимли қувур тортилиб туман маркази табиий газ билан таъминланди. Хайрли иш изчил давом эттириляпти.

Иллар мобайнида хом-ашё этиштирувчилар деган номни олиб келдик. Заҳмат чекиб қўлга киритган ҳўселимизни сув текинга сотдик. Чўпуну деҳқоннинг бири икки бўлмади. Фақат истиқлол тўғрисида кўрагимизга шомол тегди. Эндиликда хориж билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиб, махсуслотимизни ўзимиз қайта ишлаш ҳаракатида бўлаёмиз. Жойлардаги касабга уюшмалари ҳодимлари инсон омилига эътиборни қўчайтириб тадбирларнинг изчил амалга ошишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Кейинги йилларда мрамар кесадиған тўртта кичик корхона ишга тушди. Уларда бир йилда 60 миллион сўмлик харидор-ғир маҳсулот ишлаб чиқарилапти. Мрамарлар санъат қўшоналари, маъмурий биноларни, гўзал Тошкентимиздек сезимли шаҳарларимизни кўркам қишлоқда. Яқинда туман ҳўдудига янги гранит қони очилди. Шу мўносабат билан йирик қўшма корхона бунёд этиш, унга йўлдош соҳаларни ривожлантириш юзасидан ҳам ҳаракатлар бошлаб юбордик. Италия технологияси асосларида ишлайдиган мазкур корхона йилга 6-7 миллион АҚШ долларлик маҳсулот келиш қувватига эга. Демак, туман иқтисодиётининг янада бир забардаст устуни қад ростлади. Зармитан олтин қони ҳам туманимиз ҳўдудига жойлашганига келажакдаги имкониятлар кескизлгидан далолатдир.

Ҳар бир инсон қачондир ўз фаолиятига ўзи ҳолисанилло баҳо беради. Шунда вужудга йира-са, бунёд этган ишлари кўз ўнгига гавдаланса у бахтлидир. Бунга эришишнинг бирдан бир йўли ҳалол меҳнатдир.

Мансур ҚўШБОЕВ, Қўшработ тумани ҳўқими.



Янгиқўрғон туманидаги «Кўкёр» ширкат ҳўжалиги боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бу ерда боғ-роғлар ижарачилар ихтиёрига берилган. Натижа чакки эмас. Экинлардан юқори ҳўсил олинмоқда. Бу йил деҳқонлар 4120 тонна мева, 4700 тонна сабзавот етиштиришни кўзлаганлар.

Суратда: ҳўжалик бош ҳўсилоти Мирзааҳмад Маъруфхонова боғ-бор Боротбой Пўлатовлар ҳўсил чўғидан мамнун.

Бахтёржон ҚАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ишонч» мақолалари узидан

«ЙИРТИҚ ПУЛЛАР ПУЛ ЭМАСМИ?»

«Ишонч» рўзномасининг 1998 йил 14 июль сонидан чоп этилган Абдураим Отаматовнинг «Йиртиқ пуллар пул эмасми?» мақоласи «Тошхажарйўлов-читранс» Давлат уюшмасида кўриб чиқилди ва муҳокама этилди.

«Тошхажарйўловчитранс» Давлат уюшмаси корхоналари ишчи ва хизматчилари томонидан рўзномада келтирилган камчиликларга йўл қўйилмаслигини назорат қилиш, корхона ва деполарнинг тасарруф бўйича раҳбар ўринбосарлари ва бош муҳосиблари зиммасига юкланди.

Р.УСМОНОВ, бошқарув раисининг ўринбосари.

Келгуси ҳўсил тараққули

Деҳқонлар учун тизим кўриш бошланди. Улар кўзининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларини тез ва соз йиғиштириб олишга шўшилайётган бўлса, галлакорлар келгуси йил ҳўсильи пухта замин яратмоқда.

Сурхондарёликлар октябр ойи ўрталарида қарийб юз минг гектар суғориладиган майдонга галла экинни тўғаллашни режалаштирган. Шу мақсадда улар ҳар кун икки минг гектардан зиёд майдонга бугдойнинг серҳўсиль «Юна» нави экмоқдалар.

Чори ТўХТАЕВ, ЎзА мухбири.

Хориж тажрибаси

Ривожланган хорижий мамлакатларда кейинги 30-40 йил ичида қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигининг кескин ўсиши - кўп омилларнинг бир-бирига таъсири натижасидир. Жаҳон тажрибаси қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлиги, юқори унумдорлиги ва иқтисодий самардорлигини кўрсатади.

Фермер ҳўжалиқларининг ўртача ер майдони АҚШда 150 гектардан иборат. Бошқа ривожланган мамлакатларга таққослайдиган бўлса, Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландия ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмонияда 18, Бельгия ва Голландияда 17 гектардан иборат ва ҳўкасо.

«Фермер» тўдўнчаси босан қишлоқ ҳўжалиги билан бевосита машғул бўлган меҳнаткаш шахсни назарда тутадиган, ўзининг шахсий ерида эки ижарага олган ер майдонидан қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланади.

Аввало, АҚШ қишлоқ ҳўжалигида ерга эғалик қилишнинг хилма-хил шакллари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда биз кўйидаги манзарани кўра-миз:

- тўлик ижарачилар, булар - ерни ижарага олиб, қишлоқ ҳўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи фермерлар;
- қисман ижарачилар, булар - қисман ўз хўсусий ерлари бўлган ҳолда, бошқа жойлардан қўшимча равишда ижарага ер олиб, қишлоқ ҳўжалиги билан машғул бўлган фермерлар;
- қисман ижарачи ва ижарага ер беришчи ер эғаласий, булар қисман ўз хўсусий ерлари бўлган ҳолда, бошқа жойлардан қўшимча равишда ижарага ер олишчи ва айни пайтда ижарага ер беришчи фермерлар;
- ер эғаси бўлиши фермерлар, булар ўз тасарруфидида ерда қишлоқ ҳўжалиги ишлари билан шуғулланади ҳамда ерининг бир қисмини ижарага беради;
- хўсусий ер эғалари, булар - ерга эғалик қилиб, лекин қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида бевосита қатнашмайдиغان, ерини эса ижарага топширадиган шахслар;
Фермер ҳўжалиқлари ҳақиқатан ҳам катта куч. Уларда мамлакат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми ишлаб чиқарилади. Йил мобайнида умумий қиймати 1000 доллардан ортиқ бўлган маҳсулотларни етиштирувчи ва сотувчи ҳўжалиқни АҚШда фермер ҳўжалиги деб атайдилар.
АҚШ аграрноэкологик комплексининг асосини унчаллик катта бўлмаган латиғундия - корхоналари ташкил этади. Улар ўз фаолиятида марказий бошқаруш органида бутунлай боғлиқдир. Аммо маъмурий жиҳатдан ҳеч қачон бўйсунмайдиган, иқтисодий жиҳатдан ахрალი турадиган юз минглаб кичик ҳўжалиқлар ҳам мавжуд. Бу ҳўжалиқлардаги даромад маҳсулотини ишлаб чиқаришдан то реализация қилишгача -

Юрт жамоли
МАФТУНИНГМАН,
ГУЛИСТОН!

Мирзачўлиқ чўлқуварлар эса Соҳибқирон ажодларини неларга қодир эканлигини Мирза гулистон тимсолида акс эттиришга бел боғлашган. Кўриқнинг тўнғич шаҳри жамоли, камоли кун аро сайқал топяпти. Кейинги икки йилда юзлаб иморатлар қад ростладик, ўз шарқона жилоси, хўсн таровати билан кишини лол қолдиради. Кечаги ташландиқ майдон бугун мўъжизали саройга ёҳуд бошқа бир иنشотга айланган. Кўни кеча яна бир мўъжиза қопқалари халқимизга бағрини очди. Шаҳар чеккасидаги қад ростлаган «Автокемпинг» сирдарёликлар оғирини енгил қилишга бел боғлади. Замонавий жиҳозланган таъмирлаш иنشотлари, автомобилларга ёнилги қўйиш шахобчалари, жаҳон андозаларига мос меҳмонхона ва дўконлари ўз хўсн билан кишини лол этмай қўймайди. «Автокемпинг»нинг шўндок ёнгинасида умумий сатҳи 20 гектардан ошқ майдонни эғаллайдиган Улғуржи бозор қурилиши жадал давом этаётти.

Вилоятимизнинг энг тажрибали қурувчилари ушбу бунёдкорлик ишларига жалб этилган, дейди қурилиш ишларига раҳнамолик қилаётган «Улғуржи» хиссасдорлик жамияти директори Ғайрат Қўшқов. Вилоят ҳўқимлигининг катта мадади билан қурилиш икки, уч сменада давом эттириляпти. Ишчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Тез кўнларда замонавий «Улғуржи» бозорини ҳам ишга тушириш пайида бўляпти.

Меҳнаткаш манфаати муқаддас. Айниқса унинг саломатлиги хўсусида қайғуриш барчанинг бурчидир. Шаҳарда янги иш бошлаган барча қулайликларга эга бокс сароий, теннис корти ёнига яна бир муҳим иنشот қўшилди. Бу нафис ва бежирим сузиш ҳавзасидир. Бу ерда юзлаб шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўз таналарини чиниқтириш, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган. Сузиш ҳавзаси бевосита вилоят ички ишлар бошқармаси оталиғида бунёд этилди. Ҳатто мўъжизалар ичра мўъжиза яратишга жанубий қурилик ишбилармонлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Халқаро спорт иنشотлари талабига тўла жавоб бера оладиган сузиш спорт сароийи эшиги барча учун баробар очик.

Нуралла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

МУНОСИБ ЖАЗО

Давлат солиқ кўмитасининг савдо ва хизмат қўрсатувчи корхоналар фаолиятини назорат қилувчи бошқармасига жойлардан келаятган ҳарбарлар баъзан бир-бирдан ташвишлорқ бўлиб қолади. Шунда бошқарма мутахассислари ҳар бир хабарни мазкур бўйича чўкур ўрганиб, маълум йўналишлар бўйича ётпасига текширувлар ўтказиш зарур, деган хўлосага келадилар.

Жизза вилояти Зарбдор туманидаги «Бўстон» хиссасдорлик жамиятига қарашли 3-дўконда солиққарор шўндай ҳолатга дўч келдилар. Улар дўкон омборини кўздан кечирганларидан 430 килограмм пахта ёғи яшириб қўйилганини кўрдилар. Бухоро вилояти Когон тумани солиқ-

рининг бирида текширув ўтказишганда сотувчи Аймак Мўхаммад Бобур хариш маркази тамаки маҳсулотлари ва 25,2 миллион сўмлик спиртли ичимликлар сотишдан тўхтатилди. Кўнгина ҳолатлар бўйича ҳозир суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Бугунги кунда солиқчилар Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 сентябрда қабул қилинган «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарларни сотишнинг бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини тижоратчи ва тадбиркорлар ўртасида кенг тушунтириш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Ҳўқумат қарори истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда, ярқосиз бўлиб қолган озиқ-овқат маҳсулотлари сотишнинг олдини олишда, озиқ-овқат савдосини тартибга солишда муҳим рол ўйнашига шак-шўбха йўқ. Қарорнинг муҳиятини барча савдо ҳодимлари тўғри тушуниб, ўз фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этишга киришмоқдалар.

Ж.НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати раҳбари

Истеъмолчи манфаати — муқаддас!

чилари эса «Дилноза» хўсусий фирмасининг 96-дўкони омборидан 210 килограмм «Ўзбекистон» нави урни топиб олдилар. Наманган вилояти Яқкаўрғон митлубот савдо тизимидаги 28-дўкон омборидан 250 килограмм олий нави яширилган ун топилиди. Текширувдан сўнг пештахталар яна 8 хил озиқ-овқат маҳсулотларига тўлди. Одамлар бундан кўриб мамнун бўлдилар. Лекин савдо пайтида ҳамон харишдорлар ҳақида хиёнат қилинаётганлигини улар зор-зори гапирдилар. Солиқчилар ўтказган текширувлар давомида харишдорлар ҳақ эканлиги кўп марта исботланди. Сирғали тумани солиқчилари «Вест ЛЕНД Жене-рал Трейдинг» қўшма корхонасига қарашли дўконлар янги авж ола бошлаган экан.

ми устидан жиноий иш қўзғатилди. Чўнки улар илгари ҳам шўндай қўнбу-зарликларга йўл қўйиб, молиявий жарима билан қўтилиб кетган эдилар. Энди эса Жиноят кодексининг 187 ва 189-моддалари 3-қисми билан жиноий жавобкорликка тортилиши турган гап. Рейд ва текширувлар ортиқ бўйича 30,5 миңдан ортиқ мансабдор шахсга 61,8 миллион сўм маъмурий жарима солинди. 1915 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Қўллаб текширув ҳўжатлари қўнуний чора қўриш учун ҳуқуқни мўлҳўфза этиш органиларига юборилди. Солиқчилар бозорлар бўйлаб ҳам минглаб текширув ўтказишди. Шу жараёнда 3,1 миллион сўмлик истеъмолга ярқосиз озиқ-

қилаверади. Шу тариқа у аксарият бошқарув вазифаларини ўз қўлига олгани ҳолда, ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эғаси деб ҳис қилади. Фермер учун яна бир муҳим масала - ёлланма ишчи қўшадан илоҳи борича камроқ фойдаланишдир. Масалан, катта майдонлардаги экинларга ишлов беришда, уларни парвариш қилишда, етилган ҳўсильи жадал йиғиштириб олишда фермер ёлланма ишчи қўшини ишлатишга мажбур бўлади. Олинган даромадларнинг бир қисми ана шу ишчи қўшларига сарфлашни турган гап. Шу боис фермер даромадлар ва харажатларни батафсил ҳисоб-китоб қилиб чиқариши асосан ўрта ва йирик оилавий фермер ҳўжалиқлари товар маҳсулот етиштириш-

қилаверади. Шу тариқа у аксарият бошқарув вазифаларини ўз қўлига олгани ҳолда, ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эғаси деб ҳис қилади. Фермер учун яна бир муҳим масала - ёлланма ишчи қўшадан илоҳи борича камроқ фойдаланишдир. Масалан, катта майдонлардаги экинларга ишлов беришда, уларни парвариш қилишда, етилган ҳўсильи жадал йиғиштириб олишда фермер ёлланма ишчи қўшини ишлатишга мажбур бўлади. Олинган даромадларнинг бир қисми ана шу ишчи қўшларига сарфлашни турган гап. Шу боис фермер даромадлар ва харажатларни батафсил ҳисоб-китоб қилиб чиқариши асосан ўрта ва йирик оилавий фермер ҳўжалиқлари товар маҳсулот етиштириш-

АМЕРИКА ТАДБИРКОРЛАРИ

АҚШдаги қишлоқ ҳўжалиқ корпорацияларининг ўзига хўс хўсусиятлари бор. Уларда акциядорларнинг оила аъзолари иш ҳақи олиб ишлайди ва улар ҳам амалда ёлланма ишчи ҳисобланади. Акциядорларнинг ўзлари эса менежер сифатида ишлайди ва бунинг учун иш ҳақи олишлари мўмкин. Корпорация фаолиятидан тушган фойда харажатлар чегарасида улар қўлидаги акциялар микдорига мўносиб равишда дивиденд сифатида тақсимланади.

Оилавий корпорацияларда маъсулият чекланган бўлади - бу уларга хўс ва гоғт муҳим хўсусияти. Акциядорлар қорхона иши учун унга ўзлари қўшган сармоғи дўрасидангина жавобгардирлар. Бу ҳолат уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадига таваккалчилик қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш имконини беради. Агар қилинган таваккалчилик муваффақиятсиз қилса, етказилган зарар қиймати акциядорлар тасарруфидидаги акциялар бўйича қопланади, ҳолос. Улар ихтиёридаги бошқа мол-мулк эса сақланиб қолади.

Қишлоқ ҳўжалигини моддий-техника ресурслари ҳамда турли зияматлар билан таъминловчи тармоқлар бу соҳанинг тобора ривожланишига катта мадад бермоқда. АҚШда қишлоқ ҳўжалиқ техникаларини ишлаб чиқарувчи 1900 та фирмалар ва корхоналар мавжуд. Фермерларга техникани сотиш, сервис хизмати кўрсатиш ва уларни эҳтиёт қилиш билан таъминлаш учун 7 миң нафар дилерлар ҳизмат қўрсади. Замонавий ва юксак унумли қишлоқ ҳўжалиқ техникасини фойдаланиш тўғрисида бундан ошқ ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги тобора ортиб бораётти.

Абдулқўри УСМОНОВ, техника фанлари номзоди.



Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

Миллатимиз фахри, хадис илмининг пешвои Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Бухорийнинг пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак хадисларини тўплаш, ўрганиш ва авлодлар мулкига айлантиришида хизматлари буюқдир.

Имом Бухорий ҳазратлари 194 хижрий, 810 миллодий йили Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ хадисларни ёд ола бошлаганлар. Ул зотнинг қувваи хофизалари шу қадар кучли бўлганки, бу ҳақда танкили муҳаддислардан Хошид ибн Исмоил ибн Исо ал-Фазол шундай ёзган: «Имом ал-Бухорий ўспирин чоғимда биз билан бирга Басра машойихларидан хадислар эштарди. Ҳаммамиз устозлардан эшитганларимизни ёзиб олардик, ал-Бухорий эса ҳеч нарса ёзмадан фақат тинглаб ўтирарди. Шу тариқа ўн олти кун ўтгач, у биздан: «Назаримда кўп хадис ёзиб юбордиларинг, кани, менга ёзганларингни кўрсатинларчи?» - деб қолди. Биз ёзган хадисларимизни ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан ортиқ хадис ёзиб олган эканмиз. Шунда ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бердиларки, ҳатто устозлардан ёзиб олган хадисларимиздаги йўл кўйилган хатоларни унинг ёддан айтганларига қараб тузатиб ҳам олдик».

Болалигидан хадис илмига илҳос кўйган имом ал-Бухорий бутун умрини маъруз илм ривожига бағишлади. Унинг 7275 та энг ишончли, энг мўътабар хадисларни жамлаган «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» асари бутун Исромоламида маълум ва машҳурдир. Унинг саҳиҳ (ишончли) эканлиги шундаки, ал-Бухорий ҳазратлари дунё кезиб хадисларни олимларнинг тасдиғидан ўтказгандан сў-

нгина тўплаб, китоб ҳолига келтирган. Ривоят қилишларича, имом ал-Бухорий қайси бир мамлакатда битта хадисни биладиган киши бор эканлигини эшитсалар ҳам албатта ўша кишини излаб топиб, у айтган хадисни ёзиб олар эканлар. Бир сафар узоқ жойда бир киши битта хадисни билар экан деб эшитиб, ўша кишини-

кейин келиб, менинг хадисларим ва суннатларимни ривоят қиладиганлар» - дедилар. Ас-Суотий: «Муҳаддисга амир ал-мўминин» деб лақаб берилиши мана шу хадис сабабидан олинган. Шу боис бу унвон билан бир гуруҳ муҳаддислар аталган бўлиб, улар - Суфен, Ибн Роҳвайх, ал-Бухорий ва бошқалар» - деганлар.

Ал-Бухорий ҳазратлари хадис ва бошқа илмлар бобида минглаб шогирдларнинг устозларидир. Муслим ибн ал-Ҳажжож, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Форобий, Абу Бакр ибн Ҳузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир.

ХАДИСЛАРДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

риб: «Мен ўз аҳдимга ҳилоф иш қилишни ҳус кўр-майман» - деди. Имом ал-Бухорий ана шундай аҳдига вафодор, ҳақиқий инсон бўлганлар.

Манбаларда зикр этилишича, имом ал-Бухорий ҳазратлари тўплаган жами хадислар олти юз минггача бўлган. Шулардан юз минг саҳиҳ ва икки юз минг ғайри саҳиҳни хадисни ёд билганлар. Имом ан-Нававий ҳазратлари марҳамат қилдиларки: «Икки шайх - имом ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож «Имом ал-муҳаддисийн», яъни, муҳаддислар имоми, пешводирлар». Уларнинг ушбу юксак унвонга муносиб кўрилишининг бош сабаби, ҳар иккаларининг ўта диёнатлиги ва зоҳидлиги, саҳиҳ хадисларни аниқлаш ва тўплашдаги улкан саъй-ҳаракатлари ва улардан кейин ишонрли хадисларни тўплаб, асарлар ёзган барча муаллифларнинг уларга тақдир қилганликларидир.

Машҳур аллома Жалолуддин ас-Суотий шундай ёзганлар: «Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Оллоҳим, менинг халифаларимга раҳм этгин!» - деганларида, «Сизнинг халифаларингиз кимлар?» - деб сўраганлар. Шунда у зоти шариф: «Улар мендан

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ, филология фанлари номзоиди.



Урганч шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Оила йили»га бағишлаб «Энг намунали маҳалла», «Энг ибратли келинчак», «Намунали оила» каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ал-Хоразмий номи маҳаллада 968 оила аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Маҳаллага Анабия Маткаримова етакчилик қилади. Анабия опа маҳалладаги тўй-ҳашамлар, турли маросимларда, оммавий тадбирларда бош-қош. Яқинда бу ерда «Энг ибратли келинчак» кўриги ўтказилди. Кўриқда ўз зукколиги, чаққон ва билимдонлигини намойиш этган Озодахон Олломова ғолиб деб топилди. Суратда: кўрик ғолиби Озодахон Олломова (ўртада) Анабия Маткаримова ва қайнонаси Нурпошша опалар билан.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Crossword puzzle grid with title 'КРОССВОРД' and clues in Uzbek. Includes a list of words to be found and a small diagram.

Хар тўғрида Дельфинларга ёққан куйлар Амриколик олим Дэн Вагнер кутилмаган кашфиёт қилди; маълум бўлишича, дельфинлар классик (муртоз) куйларни ҳус кўришар экан. Айниқса, улар Бах асарларини эшитганларида бир-бирларига нисбатан муойимроқ, дўстона муносабатда бўлишар, рок-музика эса дельфинларнинг гашига теғар экан.

Пичоқ олдин ясалганми, қошиқ? Дастлаб, пичоқни ихтиро қилишган. Ундан аввал олдий асбоб сифатида фойдаланишган. Айтишларига қараганда бу воқеа эраимиздан 50 минг йил аввалроқ содир бўлган экан. Уй-рўзгор асбоби сифатида эса пичоқ эраимиздан 8-10 минг йил олдиндан ишлатила бошланган. Пичоқлар аввал тошдан, кейинроқ бронзадан, охирида эраимиздан олдинги бир минг йиллардан бошлаб эса темирдан ясаля бошланган. Биринчи қошиқлар эса неолит даврида яъни - эраимиздан қарийб 3 минг йил аввал пиширилган лойдан тайёрланган. Санчки (вилка) эса уларга нисбатан анча «ёш». Унинг пайдо бўлиши IX асрларга тўғри келади. Ушунда Византия маълукисига банди фил-суғидан ишланган санчкилари олтиндан бўлган вилка тайёрлаб беришган экан.

Джоаннага айланган Джо Британия армиясида 17 йил хизмат қилган катта сержант Джо Риштон Джоанна бўлишни хоҳлади. Унинг бундай қарорига келишларига қалқонсимон безларини даволаш даврида гармонлар ҳаддан зиёд ортиб кетиши сабаб бўлди. Юқоридаги жараён амалга ошиши Джоинг руҳиятида чуқур ўзгаришлар бўлишига олиб келди. У ўз жинсини ўзгартириши ҳақида ўз бошлиқларини хабардор қилди. Улар эса ўз навбатида бундан мудофаа вазирлигини огоҳ этдиларки, бу маҳкамдагилар Джоанна бўлишига розилик билдирдилар. Утказилган амалиётдан сўнг у армияда қоладиган бўлди, бироқ у энди касбини ўзгартирди - телефонистка бўлиб ишлайди.

Дам олиш масканларида «ЧИМЁН» ЧИРОЙИ

«Чимён» санаторий-сикхатгоҳи Фарғона вилояти, Фарғона туманининг Чимён қишлоғи яқинида жойлашган. Бошқа табиий шифобахш омиллар каторида сикхатгоҳнинг ёқимли иклими ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерга қилинган совуқ ҳаво оқими камдан-кам етиб келади, ёнгинарчилик кам бўлади, ҳаво намлиги, атмосфера босими деярли ўзгармайди. Июлнинг ўртача ҳарорати +26, январники эса -1,5, йиллик ўртача ҳарорат эса +14,4. Бу масканда бир йилда қуёш 2500-2700 соат нур сочиб туради. Бу кўрсаткичлар совиқ Иттифоқнинг энг машҳур сикхатгоҳлари жойлашган соҳида 2100 соат, Кисловодскда 2147 соатни ташкил этади.

Мамлакатимизда қарийб ягонадир, десак муболага бўлмайд. Санаторийда бальнеологик усуллар билан даволаш (умийн) ва баданининг маълум бир қисмини ванналарда чўмилириши, кучли минерал сув оқими ёрдамида ювиш, таппон қўйиш каби муолажалар) асосий ўринни эгаллайди. Бу муолажалар учун сикхатгоҳнинг катта бўлиги олтингурутли (сульфидли) шифобахш минерал сув қўлланилади. Сув таркибидаги водород сульфид тери рецепторларини кўзатиб, қон томирларига таъсир қилиб, қон айланишини меъёрига келтиради. Сикхатгоҳ ҳудудида қурилган минерал сув ичиладиган растада даволовчи шифокор кўрсатмасига мувофиқ аниқ белгиланган вақтларда ёки овқатланишдан ярим соат аввал иссиқлиги турли даражада бўлган минерал сувларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Бу минерал сувнинг таркиби магнитли сульфат тузларидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида ошқозон ва ичак, жигар ва ўт пуфағи касалликларига чалинган беморлар шифо топадилар. Бу сув Украинадаги «Трусковец» санаторийсининг «Нафтуса» деб аталмиш сувига ўхшаш бўлиб, кўпроқ буйрак касаллиги билан оғриган одамларга тавсия этилади ва у буйракнинг иш фаолиятини яхшилайди.

Карим РАҲМОНОВ, «Чимён» санаторийси бош шифокори.

Саховат ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Мураббатда эл оғзига тушадиган катта тўй бўлиб ўтди. Бу эзу тадбири туман касабая уюшмаларини мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил этган эди.

Маматов ҳар бир суннат қилинаётган болага «Халқ» банки томонидан мақсадли омонат дафтаричалари очиб 2000 сўмдан пул қўйганлигини маълум қилди.

Шунингдек, тушган туёна пуллари ҳар бир болага тақсимланди. Туман сугурта идораси томонидан эса тўй болалар 12 минг сўмлик сугурта қилинди.

ОЛИЙ ФАЗИЛАТ - Озингни пардозласанг, сени ҳам базмга олиб бораман. Тўқинлик завқини тўтсангчи, деди ялтироқ этик иши эттикка. Катталар ЯХШИ ЯХШИ БИЛАН БЎЛСА - Ҳаётда нени ҳус кўрурсанг - сўради бир одам булбулдан. Ҳуш исли анвойи гулларни. Сабаб? Шоҳларга қўниб сайра-

«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА МАРҲАМАТ! Азизлар, санаториймизда: \* Мўжизали маъданли сув. \* Жиззаҳ вилоятининг Балиқчи кўлидан келтириладиган сульфидли ил балчиғи. \* Психотерапия хоналари. \* Шағам. \* Лазер. \* Электрфизיותרрапия ускуналари ёрдамида неврология, ошқозон-ичак, жигар касалликлари билан оғриган барча беморлар дардларига даво олдидилар. Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» қишлоғи, «Ботаника» санаторийси. Тел: (8-3712) 64-26-26 (8-295) 61-263, 61-761.

Узбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар диққатига! Маблағингизнинг кўпайишини, ишончли ва бут сақланишини хоҳлайсизми? Марҳамат! «САВДОГАРБАНК» СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА! Сиз ўз маблағингизни «талаб қилиб олгунча», «муддатли» ва «Кафолатли даромад» каби омонат турларига қўйишингиз мумкин. 1. «Талаб қилиб олгунча» - йиллик 10%; 2. «Муддатли»: а) 3 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 1000 сўм-йиллик 10%; б) 6 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 2000 сўм-йиллик 20%; в) 1 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 5000 сўм-йиллик 35%; 3. «Кафолатли даромад»: а) 6 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 50000 сўм-йиллик 25%, фоииз даромади олдиндан тўланади. б) 1 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 75000 сўм-йиллик 28%, фоииз даромади олдиндан тўланади. в) 1 йилдан 3 йилгача, энг кам омонат миқдори 100000 сўм-йиллик 30%, фоииз даромади олдиндан тўланади. г) 3 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 500000 сўм-йиллик 35%. Савдогарбанк Бошқаруви Сизнинг маблағингизни ишончли, бут сақланишига ҳамда жамғармалар бўйича олиб борилаётган барча операциялар сир сақланишига кафолат беради. Омонатлар банкнинг барча вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида қабул қилинади. Кўшимча маълумотларни 54-19-38; 54-18-65 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин. «Савдогарбанк» Бошқаруви.

Bottom section containing various advertisements for services like 'Boш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ', 'Савдогарбанк', and other local businesses.